



# TJAS

**Thematic Journal of Applied Sciences**

informing scientific practices around the world  
through research and development

# Thematic Journal of Applied Sciences

Volume 1, Issue 1, March 2021

Internet address: <http://ejournals.id/index.php/TJAS/issue/archive>

E-mail: [info@ejournals.id](mailto:info@ejournals.id)

Published by Thematics Journals PVT LTD

Issued Bimonthly

Chief editor

**S. G. Ahmed**

*Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519*

*Requirements for the authors.*

*The manuscript authors must provide reliable results of the work done, as well as an objective judgment on the significance of the study. The data underlying the work should be presented accurately, without errors. The work should contain enough details and bibliographic references for possible reproduction. False or knowingly erroneous statements are perceived as unethical behavior and unacceptable.*

*Authors should make sure that the original work is submitted and, if other authors' works or claims are used, provide appropriate bibliographic references or citations. Plagiarism can exist in many forms - from representing someone else's work as copyright to copying or paraphrasing significant parts of another's work without attribution, as well as claiming one's rights to the results of another's research. Plagiarism in all forms constitutes unethical acts and is unacceptable. Responsibility for plagiarism is entirely on the shoulders of the authors.*

*Significant errors in published works. If the author detects significant errors or inaccuracies in the publication, the author must inform the editor of the journal or the publisher about this and interact with them in order to remove the publication as soon as possible or correct errors. If the editor or publisher has received information from a third party that the publication contains significant errors, the author must withdraw the work or correct the errors as soon as possible.*

**OPEN ACCESS**

Copyright © 2021 by Thematics Journals of Applied Sciences

## CHIEF EDITOR

**S. G. Ahmed**

*Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519*

## EDITORIAL BOARD

**Yu Li**

*Wuhan University of Technology, China*

**Seung Man Yu**

*Seoul National University of Science and Technology, South Korea*

**Seyed Saeid Rahimian Koloor**

*Universiti Teknologi Malaysia, Malaysia*

**Eko Susanto**

*Menegment of journal Indonesia*

**Siti Mazlina Mustapa Kamal**

*Universiti Putra Malaysia, Malaysia*



**Раҳмонали Ҳасанов**

Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти  
Тошкент филиали директори,  
Турон ФА академиги  
(Тошкент, Ўзбекистон)  
rahmonalixasanov@mail.ru

## **XIX АСР ОХИРИ -XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ**

*Аннотация: Ушбу мақолада XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон Ўлкасида жалидчилик ҳаракати ва улар илгари сурган ғоялар, таклиф қилган ислохотлар ва бу йўлдаги қизғин саъй-ҳаракатлар , дастлабки ташкил этилган янги усул мактаблари , жадидчилик ҳаракати дарғалари томонидан чоп этилган дарсликдар, ўқув -услубий адабиётлар хусусидаги фикрлар баён этилган.*

*Таянч сўзлар: Жадид, жадидчилар. жадидчилик ҳаракати дарғалари, "Усули савтия", "Усули жадид", "Хўжаи сибён", "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" ҳандаса (математика), жўғрофия (география), тарих, тиббиёт, Исмоилбек Фаспирали Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Ибрат, Мунавварқори, Шакурий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий,*

*Саидрасул Саидазизов С.Айний, Ҳамза.*

XIX аср охири-XX асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида жадидчилик ҳаракати кучайиб кетди бу ҳаракат мавжуд жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини қайта қуришга қаратилганлиги сабабли эски тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорларининг кучли қаршилигига дуч келди. Бу қарши куч вакиллари қадим ё қадимчилар деб аталган бўлса, янги ҳаёт шабадаларини олиб келишга урунган кишилар эса жадид ёки жадидчилар деган ном олдилар. Шу тарзда асримиз бошларида жадидлар ҳаракати юзага келди. [2.- Б.38]

XIX аср охирида тарих саҳнасига келган жадидлар халқ ва миллатнинг ҳаёти ва келажаги учун тинмай заҳмат чекканлар, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар "Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас" деган ҳадиси шарифни ҳаётининг эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори

Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар [1]. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар.

Жадидчилик жамиятни тўнтариш йўли билан эмас, ислоҳотлар йўли билан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилади.(1-шаклга қаранг) Жадидчилик ҳаракати тарихига назар солсак, улар илгари сурган ғоялар, таклиф қилган ислоҳотлар ва бу йўлдаги қизгин саъй-ҳаракатлар билан бугун юртимизда кечаётган шиддатли ўзгаришлар жараёни ўртасида кўп муштарак жиҳатлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Агар лўнда қииб айтсак, жадидларнинг ҳаракат дастури қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:[3.-Б.25]

Юқоридагилардан кўриниб турибдики жадидлар илм ва маърифат ягона қурол бўлиб улар шу қурол ёрдамида ўлкадан ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи бўлдилар. Маълумки, биринчи марта жадидчилик қиримда пайдо бўлган унинг асосчиси асримиз бошларида туркий қавмларининг чинаккам жафокаши ва ифтихори Исмоилбек Ғаспирали (1851-1914) ҳисобланади.[3.-Б.355] Шарқ халқлари маънавий ҳаётида хусусан мактаблари ва маорифида чинакам инқилаб ясаб, "Усулий жадид" номи билан тарихга кирган "Усули Савтия" ни у бошлаб берди у барча туркий халқларнинг яхлит ягона миллат деб юритди уларни ҳам илм.маърифатда, ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий қилган миллатлари билан тенг кўрмоқни орзу қилди.Бутун ақли, вужудини мана шу муқаддас ишга-миллатнинг равнақи ва муҳофазаси йўлига сарф этди.

Исмоилбек Ғаспиралининг хизматларидан яна бири шундаки, у 1884 йилда яна бир муҳим ишга қўл уради, 12 болани янгича -"Усули жадида" билан ўқитишга киришади.ва қирқ кун ичида бурро саводини чиқаради. Имтиҳон ташкил қилиб болаларнинг ота- оналарини таклиф қилади.Четдан кишилар келиб кўрадилар. Ҳамма бир оғиздан "Усули жадида" нинг беқийс имкониятини этироф этади.хуллас Исмоилбек икки йилда эска мактабда 5 йилда оладиган тақсилни ўргатишга мувоффақ бўлади. Сўнг улар учун "Хўжаи сибён" ("Болалар муаллими ") номли биринчи дарсликни тузади.

Янги усул мактаблари учун "Усули жадиди"билан ўқитишнинг қоидаларини тушунтиради. Булар қуйидагилар эди:

Янги усул мактабларида ўқитиш қоидалари

- Синфда (мактабда) болалар сони 30 тадан ошмасликга ;
- Болалар фақат икки дафъа ёз ва қиш бошларидагина мактабга қабул қилиниши;
- Ҳар қабул нечта бўлишидан қатий назар, бир синфдан ошмаслиги ;
- Ҳар бир муаллимда кўпи билан 3-4 синф бўлиши ;
- Агар мактаб 3 синфдан иборат бўлса, дарслар кетма-кет маълум уйғунликда қўйилмоғи, 7-9 ёшлардаги бола 7-8 соат узлуксиз ўқий олмайди. Унинг учун беш соат кифоя. Ҳар дарсдан сўнг 10 дақиқа танаффус;
- Жума ва байрам кунлари дам олиниши ;
- 10 ой ўқишдан сўнг ёзнинг иссиқ кунларида таътил бўлиши;
- Дарс зериктирмаслиги ...
- Шогирдларини уриш ва сўқиш бефойда эканлиги ва бошқаларга эътибор қаратилган эди...

Бутун алифбони бирдан ўргатиш оғирдир .  
Ибтидо (бошда) уч, беш, ҳарф ўргатиб бориш (енгил)

...биринчи дарсдан шогирдлари  
ёзишни бошламасликлари даркор.

Дарслар муайян соатларга,  
қисмларга ажратилиб

Ўқувчи бир дарсни ўзлаштирмагунча  
иккинчисига ўтилмаслиги керак.

Ҳарфлар билан таништирганда, улар ҳақида  
кенгроқ маълумот берилгани мақул.

Болаларни ҳар олти ойда имтиҳон қилиш йил охирида синфдан синфга ўтказиш ўзлаштирмаганларни синфда қолдириш кўзда тутилади. Дарслар ҳар хил ва ҳар бири ярим соатдан бир соатгача бўлиши мумкин. Дарслар орасида танаффуслар бўлмоғи керак. Шунини таъкидлаш жоизки, бу мактаблар учун "Хўжайи сибён" асосий дарслик бўлиб хизмат қилар эди. 1910 йилгача у 27 маротаба нашр қилинган. Лекин гап шундаки, "жадидчиликда биргина мактаб билан чекланмасди у Россиядаги мусулмонлар маънавий оламининг барча жиҳатларини -мадрасани ҳам, матбуотни ҳам, "илм-фанни". ҳам ўз ичига олар ва энг муҳими, уларнинг ҳаммаси турмушга нечоғлик даҳлдорлиги, замонга хизмат қила олиши асосий

меъзон қилиб кўзда тутилар эди" [5.-Б.31 ].

Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятлардан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустақил бўла олмайди. Фаспирали 1905 йилда ёзган мақолаларидан бирида миллатнинг асоси иккита: тавҳидий тил (тил бирлиги) ва тавҳидий дин (дин бирлиги) деган эди: Дарҳақиқат, тилнинг ўрни беқиёс : "Инсоннинг оти бўлмаса, ўзи ҳам йўқ демакдир, шунингдек, тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир"[5- Б.34. ] Бу билан Фаспирали, миллатни йўқ қилиш учун юқоридагилардан биттасининг бузилиши кифоя - дейди.

Исмоилбек Фаспиралининг номи Марказий Осиёда ҳам маълум ва машҳур эди. Хусусан, XX аср бошларидаги Туркистон, Бухоро ва Хиванинг саккиз миллионли ҳалқи миллий онгида юз берган ўзгаришларда унинг буюк хизмати бор дейишга тўла ҳақлимиз. Фаспиралининг гоёлари Марказий Осиёга кенг тарқалди:

Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Қўқон, Тошкент каби ўнлаб шаҳарлардаги зиёлилар гуруҳи жадидчилик ҳаракатига бош-қош бўлдилар, янги усул мактабларини очишда фаол иштирок этдилар. Улар томонидан ҳандаса (математика), жўғрофия (география), тарих, тиббиёт каби ўнлаб фанларнинг дастури, дарслик ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди, газета ва журналлар нашр этилди.

**Янги усул мактабининг илк ташкилотчилари.**

№	Янги усул мактаби ташкилотчилри	Янги усул мактабини қаерда ташкил этишган	Ташкил этилган йил
1	Исҳоқхон Ибрат	Тўрақўрғонда	1886, 1907
2	Салоҳиддин домла	Қўқонда	1898
3	Шамсиддин домла	Андижонда	1899
4	Маннон қори	Тошкентда	1899
5	Абдуқодир Шақурий	Самарқанд , Ражабамин қишлоғида	1901
6	Саидахмад Сиддиқий	Самарқанд , Холвойи қишлоғида	1903
7	Абдулла Авлоний	Тошкентда, Миробод даҳасида Дегрез маҳалласида	1904 1909
8	Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	Қўқоннинг: “Қашқир дарвозаси” маҳалласида “Ҳожибек” гузариди Марғилонда	1910 1911 1914
9	Исматулла Раҳматуллаев	Самарқандда, “Регистон” кўчасида	1910

Муаллиф исми ва шарифи	Дарслик ва қўлланмалар номи	Нашр этилган йи жойи
Саидрасул Саидазизов	“Устоди аввал”	Тошкент, 1902
Али Асқар Калинин	“Муаллими соний”	Тошкент, 1903
Қори	“Адиба аввал” (“Алифбе китоби”)	Тошкент, 1907
Исҳоқхон Ибрат	“Санъати Ибрат”, “Қалами Мирражаб Бандий”	Тўрақўрғон, 1908
А.Шакурий	“Раҳнамои савод”	Самарқанд, 1908.
А.Авлоний	“Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” (Адабиётдан хрестоматия) 1,2 – қисм.	Тошкент 1909
А.Авлоний	“Адиби аввал”.	Тошкент. 1910
А.Авлоний	“Биринчи муаллим”	Тошкент. 1912
А.Авлоний	“Иккинчи муаллим”	Тошкент. 1912
А.Авлоний	“Туркий “Гулистон” ёхуд ахлоқ”	Тошкент. 1913
А.Авлоний	“Тарих”	Тошкент. 1916
С.Айний	“Таҳзиб ус-сибиён” (“бола тарбияси”)	Когон. 1909
Абдуҳолик Усмон қори	“Таҳсил ул тажвид” (“енгил адабиёт”)	Қўқон, 1911 й
Муҳаммадjon Қори Наимжон	“Одобли бола”	Тошкент, 1912
Раҳимов Муҳаммадjon Мирза	“Таълимий ҳисоб” (“Арифметика таълими”)	Тошкент, 1912й.
Саидахмад Сиддикий	“Миръати адаб” (“Одоб кўзгуси”)	Самарқанд, 1912.
М. Абдурашидхонов	“Ер юзи”	Тошкент, 1913
Муҳаммадjonов Абдуҳолик (Муҳаммадjon Холикий)	“Туркий алифбе”	Қўқон, 1916 й
Маҳмудхўжа Бехбудий	“Қисқача умумий жўғрофия”	1905 й
Маҳмудхўжа Бехбудий	“Болалар учун китоб”	1905 й.
Маҳмудхўжа Бехбудий	“Ислоннинг қисқача таърифи”	1910 й
Маҳмудхўжа Бехбудий	“Амалиётги ислом”	1910 й
Маҳмудхўжа Бехбудий	“Аҳоли жўғрофиясига кириш”	1910 й
Маҳмудхўжа Бехбудий	“Россиянинг қисқача жўғрофияси”	1920 й
Ҳ. Ниёзий	“Қироат”	1915 й.
Ҳ. Ниёзий	“Енгил адабиёт”	1911 й.

Жадидчилар ҳаракатининг дарғалари мактаб, маориф соҳасида жуда катта тарғибот ишлари олиб бордилар. Савод чиқариш услубининг янги турларини амалиётга татбиқ этдилар. Буни биз Абдуқодир Шакурийнинг ўқитиш услубига киритган янгиликларини мисол қилишимиз мумкин.

Жадидчилик ҳаракати дарғаларидан яна бири, Исҳоқхон Ибрат фаоияти ҳам таҳсинга лойиқдир. У янги усул макталарини очиш билан бир қаторда Туркистон Ўлкасида биринчилардан бўлиб Тўрақўрғонда босмахона ташкил этиб, жадид мактаблари учун дарсликлар ўқув қўлланмалар, шунингдек газета ва журналларни чоп этишни йўлга қўйди., У энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганди. Хорижий тиллардан араб, форс, рус, турк, француз, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал билимдони бўлди. Олти тилни, (арабча, форсча, ҳиндча, туркча, ўзбекча ва рус сўзларини) ўз ичига қамраб олган "Луғат ситта-ас-сина" номли мукаммал луғат китобини яратди. [4. Б.373]

Бу даврда Ибрат сингари ўнлаб жадидчилик ҳаракатининг дарғалари ўз фаолиятлари давомида адабий тилдаги турли ислоҳотлар, улар билан боғлиқ муаммо ва таклифларни матбуот орқали ёритиб бордилар. "Чигатой гурунги" ўз қарашларини Фитрат бошчилигида нашр бўлган "Тонг" журналида эълон қилди. Айниқса, жадид ғоялари бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топди, сўз санъати кучли тарғибот ва ташвиқот воситасига айланди.

Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Сидқий Хондайлиқий, Ибрат, Ажзий, Сўфизода, Тавалло, Ҳамза каби ижодкорлар маърифат жарчиларига айланди. Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари нафақат педагогик фикр тараққиётида, балки ижтимоий-эстетик тафаккур ривожига ҳам катта из қолдирди.

Бу маърифатпарвар педагоглар кенг омма ўртасида илм-маърифат, маданият тарқатиш учун қизғин кураш олиб борадилар, ўз даврининг илғор, пешқадам педагоглари сифатида халққа, жамиятга таниладилар. Улар татар, озарбажон, рус ва бошқа халқлар педагоглари билан алоқада бўлиб, мактабда ўқувчиларга янги усулда она тили билан бирга, география, тарих каби гуманитар ва аниқ фанларни ўқитадилар, таълим-тарбияга оид дарсликлар ва қўлланмалар ёзиб, нашр эттирадилар.

Туркистон жадидлари озодлик, маърифат учун курашларини маълум дастур асосида икки йўналишда маъданий тараққиётни ривожлантириш бунинг учун маърифатпарварликка асосланиш ва бу борадаги фаллиятни амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб бориш орқали амалга оширадилар. Улар миллий уйғонишнинг асосини, таълимни, ўқув дастурларини ислоҳ қилишда кўрадилар. Дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Убайдуллахўжа, Абдуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Абдулҳамид Чўлпон фаол иштирок этадилар, Мунавварқори Абдурашидхонов Абдурауф Фитрат, Махмудхўжа Беҳбудий, Исҳоқхон Ибрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний - маърифатпарварлик, таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари, ғоялари билан шуҳрат қозондилар. Марказий Осиё жадидчилик ҳақида гап кетганда, юқорида номлари қайд этилган ўнлаб маърифатпарварларнинг

фаолиятисиз тасаввур қила олмаймиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йилнинг 1 октябрида Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан бир гуруҳ ватандошларимизни мукофотлаш тўғрисидаги Фармони имзоланди. Ана шундай юртдошларимиз орасида Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Мамлакатимизда улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий таввалудининг 145 йиллиги кенг нишонланди.

Бугунги кунда Юртбошимизнинг саъй - ҳаракатларидан илҳомланган олимларимиз Ўзбекистон тарихини чуқуроқ ўрганиш, тарихни холисона ёритиш, ўтмиш мутафаккирлари, жумладан жадидчилик ҳаракати дарғалари томонидан қолдирилган илмий меросни ўрганишга катта эътибор беришмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади" [1].

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 14.10.2020 й. [https://president.uz/uz/lists/view/3864\\_5/16](https://president.uz/uz/lists/view/3864_5/16).*
2. *Долимов Улуғбек Туркистонда жадид мактаблари.- Т.: "Университет", 2006.*
3. *Хошимов К, Ҳасанов Р. ва бош. Педагогика тарихи. Т.: "Ўқитувчи", 1996.*
4. *Ҳасанов Р. Исҳоқхон Ибрат. // Ўзбек педагогикаси антологияси.- Т.: "Ўқитувчи", 2010, Б.372-377.*
5. *Қосимов Б. Исмоилбек Ғаспирали. - Т.: 1992.*